
“Ҳашар элга ярашар”

????Айни кунларда туманимиз маҳаллаларида тозалаш ва ободонлаштириш ишлари уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида ташкил этилган ободонлаштириш, тозалик ишларида маҳалла аҳли қатнашишмоқда. Натижада ҳудудлардаги шох-шаббалардан, қабристон атрофи чиқиндилардан тозаланиб, ариқ йўллари очилмоқда.

????Эрта тонгдан ҳашар бўлишини эшититган маҳаллаларнинг ёш-у қарилари жараёнда фаол иштирок этишга ошиқишди.Ҳашар, айниқса, кўча ва ички йўллар тозалиги ва ободончилиги учун ўтказиладиган ҳашар инсонга меҳр-оқибат, одамийликдан сабоқ берувчи бебаҳо тарбиявий аҳамиятга эга тадбир саналади. У ўзаро меҳр-оқибат ришталарини боғлайди. Буни англаган маҳалладошлар ҳашарда бирдамликларини кўрсатишмоқда.

□Шундай экан биз давлатимиз томонидан олиб борилаётган одилона сиёсатни, қадриятларимизга бўлган эътиборни қўллаб қувватлаш, ўз Ватани, халқини севишга, кўз қорачиғидек авайлаб асрашга фидойи бўлиб яшашга ўрганишимиз керак.

2021-08-16 14:35:19